Салжукийлар хукмдори Тўгрулбекнинг ўгли, атокли Ислом хукмдори ва лашкарбошиси. Вакти келиб таназзулга юз тутган салжукийлар империяси Тўгрулнинг шу ўгли туфайли ўз куч-кудратини кайта тиклади. Аббосийлар заифлашганини кўриб хаддан оша бошлаган византияликлар ўзларига чегарадош подшохликлар вужудга келиши билан мусулмонларга карши сурункали уруш олиб боришга киришдилар. Алп Арслон Кичик Осиёга юриш килиш билан ўз кўшинларини дин химоясига отлантирди. Манзикерт якинида Византия императорига какшаткич зарба бериб, ўзини асир олди. Ўша галабадан кейин мусулмонлар Кичик Осиёнинг кок юрагига кириб бориб, у ерда махкам ўрнашиб олдилар. Шундан бери улар Онадўлини тарк этмадилар. Алп Арслон ўз амакиваччаларидан бири Сулаймон Кутлимишни Кичик Осиё марказининг хокими килиб тайинлади. Бу ўлкани мусулмонлар Рум деб атай бошлашди. Рум салжукийлари у ерда усмонли турклар пайдо бўлгунга кадар хукмрон бўлиб туришди. Улар дастлаб Никонни ўзларига пойтахт килиб олдилар, лекин 1084 йилда салжукийлар бу мамлакатнинг энг йирик кенти Иконium (Кўнё)ни забт этиб, у ерда мустахкам кўним топдилар. Византиянинг Кичик Осиёдаги энг бой ва гўзал шахарчаси бўлган Иконium Рум салжукийлари даврида катта шахарга айланди.